

800x600 Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE
MicrosoftInternetExplorer4

Мадинада тушган, 75 оятдан иборат

Бисмиллахи рохманир рохийм

(Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан)

1. (Эй Мухаммад), сиздан ўлжалар хакида сўрашади. Сиз: «Ўлжалар Аллох ва Унинг Расулиникидир, бас, агар мўмин бўлсангизлар, Аллохдан кўркинглари, ораларингни ўнганлар, Аллох ва Унинг Расулига итоат қилинглари», денг.

Бадр жангида қўлга киритилган ўлжа мол-мулклар хусусида саҳобалар тортишиб қолишди. Чунки душманга қарши курашда шижоат ва мардлик кўрсатган ёш жангчилар барча ўлжага ўзларини ҳақдор санашар эди. Уларнинг ортларида мадақдор бўлиб турган мўсафидлар эса «Агар бизнинг ёрдамимиз бўлмаганида, сизлар галаба қозона олмас эдинглар», дейишарди. Улар орасида Пайгамбар алайҳиссаломни ҳимоя қилиб турган бир гуруҳ ҳам бор эди, улар ҳам «Ўлжалар бизнинг ҳакимиз», дейишар эди. Мазкур оятда хабар бериляптики, душманни енгиш ва зафар қозониш Аллох тарафидандир, бунда ҳеч қимнинг ёрдами иш беролмайди, ўлжа молларнинг эгаси Аллох ва Унинг элчиси Пайгамбардирлар, Расулulloх нимага буюрсалар, шунга қўра тақсим қилинади.

2. Аллох зикр этилганида дилларига кўркув тушадиган, оятлар тиловат қилинганда иймонлари зиёдалашадиган ва Парвардигорларига таваққал қилувчилар ҳақиқий мўминлардир.

3. Улар намозларини адо этишади ва берганларимиздан эҳсон қилишади.

4. Ана шулар чин мўминлардир. Парвардигорлари хузурида уларга мартабалар, афв этилиш ва мўл-кўл ризк бордир.

5. (Эй Мухаммад), бу ҳолат мўминлардан бир гуруҳи ёқтирмай турган бўлса ҳам, Парвардигорингиз уйингиздан ҳақ ҳукм билан чиқарганига ўхшайди.

Кофирларга қарши жанг қилиш учун Аллохнинг буйруғи келганида айрим саҳобийлар аскарнинг озлиғи ва урушга тайёргарлик кўрилмагани баҳонасида Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом билан тортишишган, кўпчилик саҳобийлар эса буйруқни эшитишлари билан жангга тайёрликларини билдиришган эди. Оят шу воқеага ишора қилляпти.

6. Худди ўлимга ҳайдаб кетилаётганларидек ва буни кўриб туришганидек сиз билан аниқ ҳақиқат ҳақида баҳслашишмоқда.

Бундай катта қўшинга тайёргарликсиз кириш ўлим билан баробар-ку, деб таҳликага тушаётганлар Аллохнинг мадад ва галаба беришини ўйламай, Пайгамбар билан баҳслашишяптими? Маккаликлар қарвонини қўлга олиб, ўлжаларга эга бўлиш уларнинг Мадинага юриш қилган катта қўшинига қарши жанг қилишдан яхшироқ-ку, деганлар Аллохнинг иродаси ва ҳикматини ўйлашмайдими?

7. Ўшанда Аллох иккисидан бирини сизларга ваъда қилган эди, сизлар эса қуролсизини қўлга қиритишни истайсизлар. Аллох эса Ўз каломи билан ҳақиқатни рўёбга чиқаришни ва кофирларнинг илдизини қуритишни ирода қилган эди.

8. Мушриклар яхши кўришмасе ҳам, У ҳақни ҳақ, ботилни ботил кўрсатиш учун шуни ирода қилган эди.

9. Парвардигорингиздан ёрдам сўраганингизда: «Сизларга кетма-кет келувчи мингта фаришта билан ёрдам бераман», деб ижобат қилганини эсланглар.

Бадр жанги бошланишида Аллох таоло мўминларга мингта фаришта билан ёрдам беришни ваъда қилган эди, кейин уч минг, ортидан беш минг фаришта ёрдамга келди. Бу ҳақда Оли Имрон сурасида батафсил сўз келган.

10. Аллох буни дилларингиз хурсанд бўлиши ва шу билан таскин топиши учун қилди. Галаба эса Аллохнинг ишидир. Аллох ҳақиқатан қудратли ва ҳикматлидир.

11. (Эй мўминлар), ўшанда хотиржам бўлишингиз учун Ўзидан омонлик билан мудроққа солганини, сизларни поклаш, шайтон васвасасини кетказиш, дилларингизни катъий, қадамларингизни собит қилиш учун осмондан ёмғир туширганини эсланглар.

12. (Эй Мухаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сизлар билан биргаман, мўминларга далда беринглар. Кофирларнинг дилларига кўркув соламан, уларнинг бўйинларини узинглар, қўлларини синдиринглар», деб буюрган эди.

13. Бу уларнинг Аллохга ва Расулига қарши чиқишгани учундир. Ким Аллохга ва Унинг Расулига қарши чиқса, Аллохнинг жазоси, албатта, қаттиқдир.

14. Жазо ҳам тайин, кофирларга, албатта, дўзах азоби бордир.

Бадр жанги мусулмонларга, ҳақиқатан, қатта синов бўлган эди. Чунки мусулмонлар сон жихатидан озчилик эди, қурол-аслаҳалари ҳам етишмасди. Қаршиларига чиққан душман эса улардан уч баравар кўп, қуроллари муқамал эди. Кофирлар бошданок жанг майдонининг яхши тарафини эгаллаб олишди, сув манбалари ҳам уларда эди. Мусулмонларга пастликда, оёқлари қумга ботиб, қанг-тўзон ичида жанг қилишга тўғри келди. Сув топилмагани учун таҳорат ва гусл қилишда қатта қийинчиликларга учрашди. Мана шундай оғир бир пайтда Аллох таоло раҳмати билан осмондан мўл-қўл ёмғир ёғдирди, қумлар қотиб, юриш осонлашди, ичиш ва покланиш учун сув етарли бўлди. Кофирлар турган ерлар серсув, балчиқ бўлгани учун ёмғирдан сўнг уларнинг юриши қийинлашиб кетди. Яхши қуролланган қатта қўшин қаршисида кўркув ва паришонлик ичра турган мўминларга яна Аллох шундай бир мудроқ юбордики, уйқудан

уйғонишганида дилларида кўркув ва хатардан асар ҳам колмаган эди. Аллох таоло бу жангда мусулмонларга яна фаришталари билан ҳам ёрдам берган ва улар мўминлар галабасига кўмаклашишган эди.

15. Эй мўминлар, кофирлар лашкарига тўкнаш келганда ортга чекинманглар.

16. Жанг хийласи ёки бошка гурухга кўшилиш холатларидан ташкари ким ортга чекинса, албатта, Аллохнинг газабига учраган бўлади, унинг жойи дўзахдадир, нақадар ёмон жой у!

Жанг майдонида худди душмандан кочгандай бўлиб, кейин яна бошка тарафдан келиб жанг килишга ўхшаш харбий хийлалар ёки кочиб келиб мусулмонлар лашкарига кўшилмокчи бўлишдан ташкари ҳамма холатларда жанг майдонини ташлаб ортга кочганлар Аллохнинг газабига дучор бўлишади ва жойлари дўзах бўлади.

17. Уларни сизлар ўлдирмадинглар, Аллох ўлдирди. (Эй Мухаммад), тупрокни сиз отмадингиз, Аллох отди, буни мўминларга гўзал эҳсони сифатида килди. Аллох хакикатан эшитувчи ва билувчидир.

Бадр жангида Жаброил алайхиссалом келиб, Пайгамбаримизга бир сиким тупрок олиб, мушрикларга отишни айтадилар. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам шундай килганларида юз-кўзига тупрок тегмаган бирорта мушрик колмайди ва улар тумтаракай коча бошлашади.

18. Булар Аллохнинг, хакикатан, кофирлар хийласини сусайтирганидандир.

19. (Эй кофирлар), орани очишни сўраган бўлсангизлар, сўраганингиз келди. Агар тийилсангизлар, ўзларингизга яхширок. Агар яна бошласангизлар, Биз ҳам шундай киламиз. Канчалар кўп бўлишингиз сизга фойда беролмайди, чунки Аллох мўминлар билан биргадир.

Ривоятларда келишича, Макка мушриклари рахбари Абу Жахл ва унинг дўстлари Маккадан жангга жўнаш олдидан Каъба гилофидан ушлаган холда: «Парвардигоро, бизлар ёки мусулмонлардан қай бирининг хузурингда хурмат-даражаси ортик бўлса, ўшани голиб кил», деб ёлборишган. Оятда айтиляптики, мана, сизлар сўраган нарса амалга ошди, энди тавба килинглари, Аллох таоло хамиша мусулмонлар билан биргадир!

20. Эй мўминлар, Аллохга ва Унинг Расулига итоат килинглари, оятларни эшитиб туриб ҳам юз ўгириб кетманглари.

21. Эшитмаса ҳам «эшитдик» дейдиганлардан бўлманглари.

22. Аллох наздида қар, соқов бўлиб, ақлини ишлатмайдиганлар энг ёмон жонзотлардир.

23. Агар Аллох уларда яхшилиқни билганида эшитувчи қилиб қўяди, лекин шундай қилса ҳам, улар, албатта, қайсарлик билан ўгирилиб қетишарди.

24. Эй мўминлар, ҳаётбахш нарсага қорлаганларида Аллох ва Унинг Расулига жавоб қилинглари. Қилинглари, Аллох инсон ва унинг қили ўртасида туради. Албатта, Унинг хузуринда тўпланасизлар.

Аллох ва Унинг Қайгамбари нимага қақиринган бўлса, қандаларнинг ҳақиқий ҳаётлари, икки дунё саодатига эринишлари ўша нарсаларга боғлиқдир. Инсонлар даъват қилинаётган нарсалар иймон ва Исломи, Аллохни қаниш ва Унинг қозилиги йўлида ҳаёт қечириндир. Шунинг учун улар Қайгамбар орқали қелган Аллохнинг амр-қармонларига қон-қил билан итоат қилишлари қозим. Аллох қандаларига шунчалиқ қинқи, улар қилидаги нарсаларга қа қилиб туради. Қамма Унинг хузуринда тўқланиши ҳақиқат бўлганидан қейин амр-қармонларига сўзсиз бўйсуниниш қерак бўлади.

25. Ва қозимларингизнинг ўзигагина қегмайдиган қитнадан қакланинглари, қилинглари, Аллохнинг азоби шиддатлидир.

26. Сизлар бу ерда озчилик, нотавон бўлганингизни, одамлар тутиб олишидан кўркиб юрганингизни эсланглар. Шунда Аллох сизларга жой берди, ёрдами билан кўллади, покиза нарсалардан еб, шукр киларсизлар, деб ризк берди.

Яъни озчиликмиз, кучимиз ҳам заиф деган хаёлда Аллохнинг жиходга чорловини бажаришда сусткашлик килманглар. Эсламайсизларми, Маккада юрган пайтларингизда ҳам кам сонли, заиф, нотавон эдинглар, хатто мушриклар тутиб олмасин деган кўркувда юрардинглар. Кейин Аллох сизларга Ясриб (Мадина) дек тинч, фаровон шаҳарда яшашни насиб этди. Мадиналик ансорлар ва маккалик мухожирлар ўртасида беназир дўстлик ва биродарлик алоқасини ўрнатди. Худди шу каби Бадр маърақасида ҳам Ўзининг ёрдами билан сизларга галабани ато килди, кофирларнинг илдизини курутди. Шояд, шукр килсангизлар, деб сизларга халол ва покиза ганимат-ўлжаларни ато этди.

27. Эй мўминлар, Аллохга ва Унинг Расулига ҳамда билатуриб бир-бирларингизнинг омонатларингизга хиёнат килманглар.

«Аллохга ва Унинг Расулига хиёнат килиш» уларнинг ҳукм ва кўрсатмаларига қарши иш тутиш ёки ўлжа молларини ўгирлашдир.

28. Билинглари, молларинг ва фарзандларинг бир синовдир, Аллох ҳузурида улуғ муқофотлар бор.

29. Эй мўминлар, агар Аллохдан кўрксангизлар, У сизларга фурқонни беради, гуноҳларингизни кечириб, мағфират қилади ва Аллох улуғ фазл эгасидир.

«Фурқон» ҳақ билан ноҳақни ажратиш, ҳақ йўлга ҳидоят қилиш маъноларини билдиради.

30. (Эй Мухаммад), кофирлар сизни кўлга олиш ё ўлдириш ёки хайдаб чиқариш учун мақр қилишганини эсланг. Улар мақр қилишди ва Аллох ҳам «мақр» килди,

Аллохнинг «макри» зўррокдир.

Бу воқеа Маккаи мукаррамада хижрат (Мадинага кўчиш)дан олдин содир бўлган эди. Оятдаги «макр» сўзи лугатда «махфий суратда нозик бир тадбир килиш» маъносини билдиради. Бу ўринда «макр» мажозий маънода келган. Муфассирлар ёзишларича, Куръони Каримнинг бир неча оятларида мушрик ва осийларга карата зикр этилган бу «макр» Аллохнинг кудрати, газаби ва азобига ишорадир.

31. Уларга оятларимиз ўқилганида: «Буларни эшитганмиз, агар хохласак, шунақасини ўзимиз ҳам айта оламиз, булар ўтганларнинг афсоналари, холос», дейишади.

Маккалик мушриклардан Назир ибн Хорис шундай деган эди.

32. Яна уларнинг: «Эй Худо, агар бунинг хузурингдан келгани рост бўлса, устимизга осмондан тош ёғдир ёки бошка бирор каттик азоб юбор», деганларини эсланг.

33. Модомики улар ичида экансиз, Аллох уларни азобламайди. Кечирим сўраб туришганида ҳам Аллох уларга азоб юбормайди.

34. Унинг эгаси бўлишмаса-да, Масжидул-Харомдан халкни тўсишса ҳам, Аллох уларни азобламасинми? Такводорлардан бошқаси унга эгалик килолмайди, лекин кўпчилик буни билмайди.

35. Уларнинг Байтуллох олдидаги «ибодат»лари хуштак ва чапак чалишдан иборат, холос. Энди куфрларингиз азобини тотаверинглар.

Макка мушриклари мусулмонларнинг Масжидул-Харомда намоз ўқишларига йўл бермай, тўскинлик килишар, мол-дунёларини шунга сарфлашар эди. Ўзлари эса ялангоч холатда «ибодат» килишар, намоз ўрнига хуштак ва карсак чалишар эди.

36. Кофирлар молларини Аллох йўлидан тўсишгагина сарфлашади. Сарфлашади-ю, ўзларига хасрат бўлади. Кейин кофирлар маглубиятга учраб, дўзахга хайдалишади.

Бадр жангида хар куни мушрикларнинг ўн икки сардоридан биттаси лашкарга таом етказиб туришга қарор қилди. Шу аҳдга мувофиқ улардан бири қунига ўнта туя сўйиб, гўштини аскарларга таркатар эди. Улар маглубиятга учраб Маккага қочишгач, Шомдан келган савдогарларнинг молини ҳам мусулмонлардан ўч олиш йўлида сарфлашга қарор қилишди.

37. Бу Аллохнинг нопокни покдан ажратиши, нопокларнинг баъзиларини баъзиларига кўшиб, ҳаммаларини дўзахга ташлаши ўчундир. Ана шулар зиён кўрувчилардир.

38. (Эй Мухаммад), кофирларга айтинг, агар ўзларини тийишса, қилган гунохлари кечирилади, яна қайтгудай бўлишса, олдингиларнинг иши қайтарилади.

Инсоннинг Исломдан аввал қанча гунохи бўлса ҳам, мусулмон бўлгач, «хаккул-абд» (банданинг хаки) дан бошқа ҳамма гунохлари кечирилади. Агар шундан кейин ҳам яна қуфрга боришадиган бўлса, у ҳолда олдин ўтганлар дучор бўлган азоб-жазоларга йўлиқишади.

39. (Эй мўминлар), дунёда ширк қолмагунча ва Аллохнинг дини қолиб бўлмагунча улар билан ўрушинглар. Қуфрдан қайтишса, Аллох уларнинг ишларини кўриб турувчидир.

Исломда жиходдан мақсад шуки, дунёда қуфрнинг қуввати ва шавкати қолмасин, ҳукм қарор ягона Аллох тарафидан бўлсин, яъни ҳамма ерда илохий қонунлар ўстивор бўлсин.

40. Агар улар юз ўгиришса, билингки, Аллох хомийингиздир, У нақадар яхши хомий ва нақадар яхши мадаққордир.

ЎНИНЧИ ЖУЗ

41. Билиб қўйинглар, агар Аллохга ҳамда ажрим қуни – икки гурух тўқнашган қуни бандамизга туширган нарсамизга иймон келтирган бўлсанглар, ўлжага олган нарсаларингнинг бешдан бири Аллох, Пайгамбари, унинг қариндошлари, етимлар, мухтожлар ва мусофирлар ҳақидир ва Аллох ҳар нарсага қодирдир.

Ушбу сура бошланишида: «Ўлжалар Аллох ва Унинг Расулиникидир», дейилган эди. Шу ўринда маққур жумлани бироз шарҳлашга тўғри қелади. Қофирларга қарши урушда қўлга қиритилган мол-ўлжаларнинг бешдан тўрт қисми лашқарга (отликка икки қисса, қиёдага бир қисса қилиб) бўлиб берилган. Қолган бир қисми эса оятда қикр қилинганидай Аллохга ва Унинг Пайгамбарига ажратилган. Пайгамбаримиз эса ана шу улушни беш тоифага: аввал ўзларига, кейин Расули ақрамга ёрдам берган яқин қариндошлари ва Аҳли байтларига (қунки уларга зақот олиш ҳаром бўлган), учинқиси – етимларга, тўртинқиси – мухтож мусулмонларга, бешинқиси – мусофирларга берганлар. Пайгамбаримиз вафотларидан сўнг ана шу беш тоифанинг учтаси: етимлар, мухтожлар ва мусофирлар ўлжага ҳақдор бўлишган, мухтожларга ажратилганда олдин Расулulloх қариндошлари эътиборга олинган.

«Фурқон» (ажрим) қуни Аллох таоло ҳақ билан ботилни ажратган, мусулмонлар ва мушриклар гурухи тўқнашган Бадр жанги қунидир.

42. Ўшанда сизлар водийнинг бу қунорасида, улар у қунорасида, қарвон эса сизлардан пастрокда эди. Ваъдалашганингизда ҳам қелишилган жой ва вақтда учраша олмасдинглар. Леқин Аллох ҳалок бўлувчи очик ҳужжат билан ҳалок бўлиши, тирик қолувчи очик ҳужжат билан тирик қолиши учун бўладиган ишни охирига етқазди ва Аллох ҳақикатан эшитувчи, билувқидир.

Яъни кофирлар танлаган йўл халокатга олиб боради, мусулмонлар танлаган йўл эса саодатга олиб боровчи хидоят йўлидир, бу нарса очик-ойдин хужжат билан собит бўлган. Аллох шу ишни охирига етказиш учун Бадр кунини танлади: бир-бирларидан беҳабар икки томондан йўлга чиккан Курайш мушриклари ва Мадинада истикомат килаётган мусулмонларни Шомдан келаётган тижорат карвони бахонасида Бадрда тўкнаштирди.

43. (Эй Мухаммад), ўшанда Аллох тушингизда уларни оз килиб кўрсатганини эсланг. Агар кўп кўрсатганида тушкунликка тушиб, бу иш хакида тортишган бўлардинглар. Лекин Аллох саклади, У диллардаги сирларни билувчидир.

44. (Эй мўминлар), Аллох бўладиган ишни охирига етказиш учун ўшанда уларни кўзингизга оз килиб кўрсатганини, сизларни уларнинг кўзига кўп килиб кўрсатганини эсланглар ва хамма ишлар Аллохга кайтарилади.

45. Эй мўминлар, душман жамоасига рўпара келганда саботли бўлинглар ва нажот топиш учун Аллохни кўп зикр килинглар.

«Зикр»дан мурод, намоз, дуо, такбир-тахлил каби турли зикрлардир. Аллохнинг дўстлари Уни кўп эслаш, номини улуглаш билан ором ва кувват топишади. Пайгамбар алайхиссалом сахобалари (сафдошлари)нинг энг асосий машгулотлари хар бир мажлисда Аллохнинг зикри эди. Душман билан рўбарў бўлганда собиткадамлик, сабр ва матонат, Аллох ва Унинг Пайгамбарига итоат, уларнинг буйрук-кўрсатмаларига бўйсунуш уларга хос сифатлар эди. Ибн Касир улар хакида бундай деганлар: «Пайгамбар сахобалари шаходат эшигида эдилар. Аллох ва Унинг Пайгамбари буюрган нарсаларга амал ва итоат килишарди. Бу билан Шарку Гарбдаги бутун иклимлар калбини фатх килишди...» Хакикатан, Расули акрамнинг сахобалари шахсий намуналари билан араблардан ташкари, румликлар, эронийлар, турклар, славянлар, кибтийлар, занжилар ва бошка миллатларни Ислом билан шарафлантира олишди.

46. Аллох ва Унинг Пайгамбарига итоат килинглар ва тушкунликка тушиб, куч-кувват тарк этмаслиги учун ўзаро низога борманглар. Сабр килинглар, Аллох сабрлилар биландир.

47. Уйларида кибр ва одамларга ўзларини кўрсатиш учун чикувчи, Аллохнинг йўлидан тўсувчиларга ўхшаманглар. Аллох уларнинг барча килмишларидан хабардордир.

48. Ўшанда шайтон уларга амалларини чиройли килиб кўрсатди ва: «Бугун ҳеч кимса сизларни енга олмайди, мен химоячингизман», деди. Икки жамоа тўқнашгач эса орқасига қочди ва: «Сизлардан безорман, кўрмаётган нарсангизни кўряпман, мен Аллохдан кўркаман», деди. Аллохнинг азоби каттикдир.

49. Ўшанда мунофиқлар ва дили маразлар: «Анавиларни дини мағрурлантириб кўйибди», дейишди. Ким Аллохга таваккал қилса, Аллох, албатта, қудратли ва ҳикматлидир.

50. (Эй Мухаммад), агар фаришталар кофирларнинг жонларини қандай олишларини кўргангизда эди. Юзлари ва кетларига уриб айтишарди: «Ёниш азобини кўринглар»;

51. бу кўлларингиз билан қилганларингизнинг жазосидир, Аллох зулм қилувчи эмас».

52. Бу худди фиръавнийлар ва улардан олдин ўтганларнинг қилмишлари қабидирки, улар Аллох оятларига қуфр келтиришди, шунда Аллох уларни гунохлари тўфайли қазолади. Аллох, ҳақиқатан, қудратли ва қазоси қаттиқдир.

53. Бу Аллохнинг бир қавмга берган неъматини то улар ўзларини ўзгартиришмағунича ўзгартирувчи эмаслигидандир ва Аллох эшитувчи, билувчидир.

54. Бу худди фиръавнийлар ва улардан олдин ўтганларнинг қилмишлари қабидирки, улар Парвардигорлари оятларини ёлгонга чиқаришди. Гунохлари сабабидан уларни ҳалок қилдик ва фиръавнийларни гарк қилдик, ҳаммалари золим эди.

55. Аллох хузурида махлукларнинг энг ёмони кофирларидир, улар иймон келтиришмайди.

56. Улар орасида сиз билан сулх тузгандан кейин ҳам хар сафар уни кўркмасдан бузаверадиганлари бор.

57. Улар билан жангда тўкнашсангиз, издошлари сабоқ олишлари учун ўлдиринг.

58. Агар бир кавмнинг хиёнатидан кўрксангиз, улар билан баравар сулхни бузинг, Аллох хоинларни ёмон кўради.

Яъни сулх шартномасининг бузилганини хар икки томон баробар билсин, яна сизни, эй Мухаммад, вафо килмасликда айблаб юришмасин. Чунки ахдга вафо килмаслик Исломда хоинлик саналади, Аллох хоинларни ёмон кўради.

59. Кофирлар «ютдик» деб ўйлашмасин, улар асло кочиб кутула олишмайди.

60. (Эй мусулмонлар), уларга карши бор курулларингизни ва эгарланган отларни тайёрлаб кўйинглар. Бу билан Аллохнинг ҳамда ўз душманларингизни, Аллохгина биладиган, сизлар билмайдиган бошка душманларни ҳам кўркувга соласиз. Аллох йўлида нима сарфласангиз, зулм килинмай тўла кайтарилади.

Душманга карши курашда шариат буюрган зарурий сабабларни тарк килиб, Аллох таолога таваккал килиб ўтиришнинг ўзигина яхши эмас. Мусулмонларнинг имкон борича жангга керакли курул-аслаха ва уловларни тайёрлаб кўйишлари фарздир. Расули акрам замоналарида жангда чавандозлар, киличбозлар каби харбий истеъдодларга эҳтиёж бўлган, хозирги пайтда эса замонавий курул-ярог, техникаларни ўрганиш талаб этилади. Аллох йўлидаги урушларга канча мол-маблаг сарфланса ҳам, хеч кимга зулм килинмай Аллох томонидан тўлигича эгасига кайтарилади.

61. (Эй Мухаммад), агар улар сулхга мойил бўлишса, сиз хам мойил бўлинг ва Аллохга таваккал килинг. У хакикатан эшитувчи ва билувчидир.

62. Агар улар алдамокчи бўлишса, сизга Аллохнинг Ўзи кифоя, У ёрдами ва мўминлар билан сизни кўллади.

63. Ва дилларини улфат килди. Агар Ер юзидаги барча бойликни сарфлаганигизда хам улар калбини бирлаштира олмасдингиз, лекин Аллох бирлаштирди. У хакикатан кудратли ва хикматлидир.

64. Эй Пайгамбар, Сизга ва эргашувчиларингизга Аллох кифоядир.

65. Эй Пайгамбар, мўминларни жангга рагбатлантинг. Агар сизда йигирма сабрли мужоҳид бўлса, икки юзни енгади. Агар сизда юз нафар бўлса, кофирларнинг мингини енгади. Бу уларнинг англамас кавм эканликларидандир.

66. Энди Аллох юкингизни енгиллаштирди, чунки сизларнинг ожизлигингизни билади. Агар сизда юзта сабрли бўлса, икки юзни енгади, агар мингта бўлса, Аллох изни билан икки мингни енгади. Аллох сабрлилар билан биргадир.

«Сахиhi Бухорий» да Абдуллох ибн Аббосдан ривоят килинишича, биринчи оятдаги хукм, яъни бир мусулмоннинг ўн кофирга тенг келиши бироз огирлиги маълум бўлгач, «Энди Аллох юкингизни енгиллаштирди» деган иккинчи оят туширилди ва биринчи оятни мансух (бекор) килди. Энди икки кофирга карши бир мусулмон урушсин, агар иккидан кўпрогига карши турса, мукофоти янада катта бўлади. Чунончи, пайгамбаримиз даврларида бир минг мусулмон душманнинг саксон минг кўшинига карши жанг килган, Мута урушида эса уч минг мусулмон икки юз минг кофирга карши урушган.

67. Пайгамбарга Ер юзида голиб бўлмагунича асир олиш жоиз эмас. (Эй мўминлар), дунё матохларини истаяпсишлар, Аллох эса охиратни хохлайди, Аллох кудратли ва

хикматлидир.

68. Агар Аллохнинг ёзуги бўлмаганида олган нарсаларингиз учун улкан азоб берилар эди.

69. Ўлжага олганларингизни халол-пок холда енглар ва Аллохдан кўркинглар, Аллох кечирувчи ва меҳрибондир.

Бадр жангида етмиш нафар кофир мусулмонлар кўлига асир тушди. Бу асирлар хақида Аллох таоло мусулмонларга икки йўлдан бирини танлашни буюрди: асир тушган кофирларни ўлдириш ёки озодлик эвазига маблағ-мол олиб асирликдан бўшатинг. Пайгамбар алайхиссалом бу ишда саҳобаларнинг фикрларини билмокчи бўлдилар. Шунда Абу Бакр ва кўпчилик саҳобалар маълум тўлов (фидя) олиб, асирларни озод қилиш таклифини айтишди, Хазрати Умар ва Саъд ибн Муоз каби саҳобалар уларни ўлдиришни ёқлашди. Баъзи саҳобийлар эса молларини олсак бойиб, янада қудратли бўлиб кетамиз, деб ўйлашди. Ана шу воқеалар хусусида бир неча оятлар туширилди.

70. Эй Пайгамбар, кўлингиздаги асирларга: «Агар дилларингизда яхшилик бўлса, Аллох сизлардан олинганидан ҳам яхширогини беради ва сизни кечиради, Аллох кечирувчи ва меҳрибондир», денг.

71. Агар улар сизга хиёнат қилишни исташса, билингки, бундан олдин Аллохга хиёнат қилишган эди. У шунда уларга имкон берди, Аллох билувчи ва хикматлидир.

72. Албатта, иймон келтирган, хижрат қилган, Аллох йўлида молларию жонларини тикиб жиход қилганлар билан жой бериб ёрдам кўрсатганлар бир-бирларига дўстдирлар. Иймон келтирган-у, аммо кўчмаганларга то хижрат қилмагунларича ҳеч масъул эмассиз. Агар сиздан ёрдам сўрашса, бу сиз билан шартнома тузганларнинг зиддига бўлмаса, ёрдам беришингиз шарт. Аллох нима қилаётганларингизни кўриб туради.

73. Кофирлар бир-бирларига дўст, хомийдирлар, агар буни қилмасангиз, Ер юзида

фитна ва улкан фасод бўлади.

74. Иймон келтирган, кўчган, Аллох йўлида жиход килганлар билан уларга жой бериб ёрдам кўрсатганлар хакикий мўминлардир, уларга магфират ва тўкин ризк бордир.

75. Кейин иймон келтириб кўчган ва сизлар билан бирга жиход килганлар ҳам сизлардандир. Аллох Китобида кариндошларнинг баъзилари баъзиларидан ҳақдоррокдир. Албатта, Аллох ҳамма нарсани билувчидир.

Карамли саҳобалар (Аллох барчаларидан рози бўлсин) икки тоифадан иборат: иймон келтирганларидан кейин Ясриб (Мадина) шаҳрига кўчган, яъни хижрат килган муҳожирлар ҳамда иймон келтириб, муҳожирларга жой ва ёрдам берган мадиналик ансорлар. Хижратнинг бошида Расули акрам (соллаллоху алайхи васаллам) бу икки тоифа саҳобаларни бир-бирларига биродар, ака-ука килиб кўйдилар. Шунинг учун улар бир-бирларининг қолдирган молларига меросхўр ҳам бўлишди. Кейин бу ҳукм амалдан қолдирилиб, фақат кариндошлар меросга ҳақдор ҳисобланишди. Лекин иймон келтирмаган ва кўчмаган кариндошлар меросдан маҳрум қилинди, ким бўлишидан қатъи назар, кофир билан мусулмон ўртасида меросхўрлик бўлмайди, кофир мусулмондан мерос олмайди.